

**Абулкасимов Хасан Пирназарович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети

**Муродхўжаева Феруза Мажидовна,**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), Наманган давлат университети

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 332.1(575.123)

DOI: 10.34920/EIF/VOL\_2023\_ISSUE\_1\_1

---

## **АБУЛКАСИМОВ Х.П., МУРОДХЎЖАЕВА Ф.М. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САНОАТИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мақолада Наманган вилояти саноатини трансформациялаш зарурлиги ва моҳияти очиб берилган, бу борадаги муаммолар аниқланган ҳамда уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар берилган.

Таянч иборалар: минтақавий иқтисодиёт, саноат, маҳаллий саноат, трансформациялаш, ишлаб чиқарувчи кучлар, жойлаштириш, инфратузилма объектлари.

---

## **АБУЛКАСИМОВ Х.П., МУРАДХОДЖАЕВА Ф.М. РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ТРАНСФОРМАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

В статье раскрыты сущность и необходимость трансформации в промышленности, определены проблемы, а также даны научные предложения и практические рекомендации по основным направлениям осуществления трансформации в промышленности.

Ключевые слова: региональная экономика, промышленность, местная промышленность, трансформация, производительные силы, размещение, инфраструктурные объекты.

---

## **ABULKASIMOV H.P., MURADHODJAEVA F.M. REGIONAL CHARACTERISTICS OF TRANSFORMATIONAL PROCESSES IN THE INDUSTRY OF THE NAMANGAN REGION**

In the article is discussed the essence and necessity of transformation in the industry, identified problems, as well as scientific proposals and practical recommendations on the main directions of implementation of transformations in the industry.

Key words: regional economy, industry, local industry, transformation, productive forces, accommodation, infrastructure facilities.

**Кириш.**

Жаҳон иқтисодиётида минтақаларнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда саноатни трансформациялашга муҳим омил сифатида қаралмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш минтақаларда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва барча соҳаларда кластерлардан оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда саноат тармоқларини самарали трансформациялаш орқали таъминланмоқда.

Ўзбекистонда ислохотларнинг янги босқичида "...иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш"<sup>1</sup>, технологик ва инновацион сиёсатни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аммо, республика минтақалари, жумладан, Наманган вилояти саноатини ривожлантиришда сўнгги беш йилликда қатор ижобий натижаларга эришилган бўлишига қарамасдан, саноат тармоқлари ва корхоналарида турли хил даражада номутаносибликлар мавжудлиги ҳамда вилоятда ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштириш механизми шакллантирилмаганлиги сабабли аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича республика ўртача кўрсаткичидан орқада қолмоқда. Шунинг учун "Наманган вилоятида 2022 - 2026 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 1,4 бараварга, саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,5 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,2 бараварга, хизматлар ҳажмини 3,0 бараварга ҳамда қурилиш ишлари ҳажмини 1,6 бараварга"<sup>2</sup> ошириш вазифаларининг белгилаб қўйилиши минтақада саноатни трансформациялаш жараёнларини самарали ташкил қилиш масаласини ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан бирига айлантирди.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.**

Минтақалар саноатини ривожлантиришнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатлари узоқ хориж олимлари М.Портер, П.Кругман, А.Гранберг, А.Вебер, П.Герхард, Р.Андерсен, саноатни транс-

формациялаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш жараёнларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишига таъсири М.Бандман, И.Мазур, Р.Шапиро, А.Нагоева, Г.Головенчиклар томонидан кенг ўрганилган.

Саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш жараёнларининг минтақа иқтисодий ўсишига таъсири масалалари В.В.Акбердина, Ф.В.Вазагова, В.И.Зинченко, З.Х.Кильчуков, Н.Колосовский, инновацион ривожланишнинг ҳудудий саноат мажмуасини барқарор ривожланишидаги аҳамиятига М.И.Масленников, С.Н.Растворцева, О.А.Романова, А.И.Татаркин, С.Н.Яшин сингари МДХ давлатлари олимлари ўз илмий тадқиқот ишларида алоҳида эътибор қаратганлар.

Ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий изланишлари ҳам ушбу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Т.М.Ахмедов, М.А.Маҳкамova, Ш.Х.Назаров, А.М.Содиқов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.Т.Юсупов, А.А.Қаюмов, А.М.Қодиров, Г.П.Фуломова ва бошқалар томонидан минтақаларда ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари ўрганилган. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ўсишига саноат ишлаб чиқаришининг таъсири А.Г.Абдуллаев, М.Ф.Махмудов, Ш.Х.Отабоев ва Н.Холматовнинг илмий ишларида ёритилган.

Шунинг билан, юқоридаги келтирилган тадқиқотларга суянган ҳолда, Наманган вилояти саноатини трансформациялаш муаммоларини аниқлаш муҳим илмий аҳамиятга эга, ушбу изланиш усулларини кейинги амалга ошириладиган тадқиқотларга методик ёндашув нуқтаи назардан фойдали бўлади.

**Тадқиқотнинг мақсади** Наманган вилояти саноатини трансформациялаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида тизимли ва қиёсий, математик ва статистик ҳамда SWOT таҳлил, макроиқтисодий кўрсаткичларни гуруҳлаштириш, Box-Jenkins, ARIMA, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаш ва бошқа тадқиқот усуллари-дан кенг фойдаланилган.


**Асосий натижалар.**

Саноатни трансформациялаш мамлакат, минтақа, тармоқ ва корхоналарни барқарор ривожлантириш, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланиш, рақобатбардошликни ошириш, молиявий ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги "2022-2026 йилларда Наманган вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 211-сон Қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5984308#5984924>

1-расм. Минтақа саноатини трансформациялашнинг асосий йўналишлари.



иқтисодий самарадорликка эришиш, рақамли ва яшил технологияларни кенг қўллаш, институционал ва бошқарув тизимини ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш каби таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган. Бизнинг фикримизча, саноатни трансформациялаш мамлакат, минтақа ва тармоқлар кесимида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш билан боғлиқ барча йўналишларни мажмуали қамраб олувчи механизмлар тизимидан иборат.

Саноатни трансформациялаш жараёнига ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий-географик шароитлари, меҳнат ва бошқа иқтисодий ресурслар салоҳияти, ихтисослашув, маҳаллий бозор конъюктураси, инвестиция муҳити, корхоналарни жойлаштиришнинг муҳим омили бўлмиш инфратузилма объектларининг ҳолати ва шу каби қатор омиллар таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда минтақада саноатни трансформациялашнинг асосий йўналишлари қуйидаларни ўз ичига олади (қаранг: 1-расм).

Наманган вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қиладиган омиллар сифатида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, асосий капиталга инвестициялар, қурилиш, чакана ва ташқи савдо, экспорт-импортнинг ўсиш суръатлари қабул

қилинган ва ўзгарувчилар ўртасидаги корреляция коэффиценти ҳисобланган.

Мазкур тадқиқотларда вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$K = \frac{\sum xy - \frac{\sum x \cdot \sum y}{n}}{\sqrt{\left[ \sum x^2 - \frac{(\sum x)^2}{n} \right] * \sqrt{\sum y^2 - \frac{(\sum y)^2}{n}}}$$

Бу ерда:

K- корреляция коэффиценти;

x-вилоятнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари;

y-саноат ишлаб чиқариши;

n- кўрилатган йиллар сони.

Ҳисоблар натижаси 1-жадвалда келтирилди.

Ҳисоблар ва таҳлиллар вилоятда саноатнинг ўсиш тенденциялари билан ушбу омиллар ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини кўрсатди: истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (0,875), савдо (0,808), хизматлар (0,812) ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда ўртача 0,8297 га тенг эканлиги аниқланди.

**1-жадвал. Наманган вилояти макроиқтисодий кўрсаткичлари ва саноати ўртасидаги корреляцион боғлиқлик даражаси (ўсиш суръати, % да)<sup>1</sup>**

	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	Корре- ляция коэффи- центи
Ялпи ҳудудий маҳсулот	110,3	110,7	108,4	108,0	107,9	107,7	107,5	103,4	104,1	107,5	105,1	109,1	0,708
Саноат маҳсулоти	113,7	114,8	110,9	111,1	113,7	114,4	113,0	114,7	113,8	110,4	115,3	117,9	1
Истеъмол товарлари	113,7	114,0	111,4	106,4	113,7	119,4	122,2	113,2	111,6	111,7	96,4	118,1	0,875
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	105,3	107,2	106,3	107,2	106,8	106,0	106,7	103,4	102,2	102,5	104,0	104,6	0,574
Асосий капиталга инвестициялар	90,3	96,2	105,2	116,7	130,9	108,5	108,2	110,2	178,1	131,1	79,6	102,9	0,283
Қурилиш ишлари	132,9	121,8	107,3	117,6	106,2	102,6	108,6	102,4	123,0	140,8	114,4	110,1	0,681
Чакана савдо товар айланмаси	114,4	119,8	111,3	115,2	110,8	115,2	115,9	102,9	104,6	110,6	108,4	111,8	0,808
Хизматлар жами	121,7	122,8	120,3	119,1	121,6	117,8	124,4	103,6	107,6	113,3	103,8	121,4	0,812
Ташқи савдо айланмаси	259,0	42,8	112,2	121,3	118,1	82,6	176,4	119,0	209,6	82,0	88,6	124,7	0,307
Экспорт	389,1	24,7	105,2	128,4	123,0	81,6	142,0	123,5	125,8	143,9	106,9	130,0	0,326
Импорт	146,3	84,5	116,9	117,0	114,8	83,3	200,4	116,8	253,4	66,0	78,2	120,6	0,415

Бошқа кўрсаткичлар, жумладан, инвестициялар (0,283), ташқи савдо айланмаси (0,307), экспорт (0,326), импорт (0,415) билан саноат ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда ўртача 0,3493 га тенг бўлиб, бу кўрсаткич ушбу омиллар ўртасида кучли боғланиш мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Таҳлиллардан хулоса сифатида айтиш мумкинки, Наманган вилояти саноатининг ривожланишида айрим омиллар, айниқса, инвестицион фаолликни рағбатлантириш орқали экспорт-импорт ҳажмини ошириш муҳим устувор йўналишларга айланиши лозим.

Ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу қонуният минтақаларга ҳам тегишли. Наманган вилояти ялпи саноат маҳсулотларининг 40,4 фоизи Наманган шаҳрига, 17 фоизи Тўрақўрғон, 6,3 фоизи Учқўрғон, 5,2 фоизи Чуст, 4 фоизи Косонсой, 2,3 фоизи Чортоқ, 2 фоизи Янгиқўрғон, туманлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, минтақа ҳудудлари ўртасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасида номутаносиблик мавжудлигини кўрсатади. (2-жадвал).

Шунингдек, ҳудудий саноат корхоналари маҳсулотларидаги шаҳар ва туманларнинг улуши турлича. Бунда олдинги ўринлар Наманган шаҳри (50,5%), Тўрақўрғон (7,8%), Чуст (6,5%) ва Наманган (5,9%) туманларига тўғри келади. Туманлараро тафовут ҳудудий саноатда уч мартадан юқори бўлиб, маҳаллий аҳоли талабларига ва мавжуд имкониятларга мос келмайди. Ривожланиш индексида кўра, туманлар ўртасида саноатнинг жойлашганлигидаги фарқ 10 мартани ташкил қилмоқда. Таъкидлаш лозимки, шаҳарлар ва туманларда саноатни жойлаштиришда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, булар қаторига шаҳар ва туманлар бош режасига риоя қилмаслик, инфратузилма объектларининг ишлаб чиқариш қувватларига мос келмаслиги, аҳоли эҳтиёжларини эътиборга олмаслик масалаларини киритиш мумкин. Натижада инфратузилма объектлари учун қўшимча маблағлар сарфланмоқда.

Ҳар қандай минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларининг оптимал жойлаштирилганлигига бевосита боғлиқ. Наманган вилояти ҳудудларида ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштиришга таъсир қиладиган қатор омилларнинг таъсир даражаси турлича эканлиги аниқланган (2-расм).

<sup>1</sup> Муаллифлар томонидан тузилган.

2-жадвал. Наманган вилояти шаҳар ва туманларида саноатнинг жойлашуви<sup>1</sup>

№	Шаҳар ва туманлар номи	Умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши,%		Ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши,%	
		2010 й.	2021 й.	2010 й.	2021 й.
	Вилоят - жами	100,0	100,0	100,0	100,0
1	Наманган шаҳри	52,7	40,4	57,6	50,5
2	Мингбулоқ	0,7	4,5	0,8	5,3
3	Косонсой	3,5	4,0	2,0	2,4
4	Наманган тумани	8,2	6,3	5,2	5,9
5	Норин	1,2	3,1	1,9	3,2
6	Поп	1,6	3,1	2,1	3,6
7	Тўрақўрғон	2,5	17,0	6,5	7,8
8	Уйчи	3,6	6,4	4,3	5,6
9	Учқўрғон	15,6	6,3	9,9	2,4
10	Чортоқ	3,4	2,0	3,0	3,7
11	Чуст	3,8	5,2	4,2	6,5
12	Янгиқўрғон	3,2	1,7	2,5	3,1
	Туманлараро табақалашув даражаси (марта)	22,2	10,0	12,3	3,3

2-расм. Минтақада саноат корхоналарини жойлаштиришнинг омиллари ва ўзига хос хусусиятлари<sup>2</sup>.

Юқоридаги расмда кўрсатилган омиллар таҳлили, яъни, минтақада саноат корхоналарини оптимал жойлаштиришга таъсир қилувчи ишлаб чиқариш, инфратузилма, минерал хом ашё, ер, сув ва ишчи кучи ресурслари каби омиллар билан

трансформациялаш жараёнлари ўртасида корреляцион боғлиқлик кучли эканлиги, улар ҳудудларда саноатни трансформациялаш жараёнларининг самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшиши мумкинлигини кўрсатди.

**Хулоса ва таклифлар.** Истиқболда Наманган вилоятида маҳаллий саноатни трансформациялаш асосида ривожлантиришни қўйидаги ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2023, 1 (161)

<sup>1</sup> Наманган вилоят ҳокимлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Муаллифлар томонидан тузилган.

устувор йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- мавжуд салоҳият, иқтисодиёт ва аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий саноат ўрнида маҳаллий саноатни шакллантириш;
- маҳаллий саноатнинг асосини ташкил этувчи тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, заргарлик, қурилиш материаллари, мебель, уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришга эътиборни қаратиш;
- вилоят саноатини трансформациялаш самардорлигини оширишга минтақада хусусийлаштириш жараёнларини бозор механизмлари асосида ташкил қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва минерал хом ашё ресурсларини озиқ-овқат, тўқимачилик,

мебель ишлаб чиқариш корхоналарига манзилли йўналтириш орқали эришиш мумкин.

- маҳаллий саноатнинг таркибини шакллантириш мезонлари асосида ахборотлар платформасини янгидан ташкил этиш;
- юқори технологияларга асосланган кичик саноат корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;
- кичик саноат корхоналарини маҳалла ва қишлоқларда жойлаштириш тизимини ишлаб чиқиш;
- саноат корхоналарини жойлаштиришда таклиф этилган омиллар тизими билан бир қаторда келажакда вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни эътиборга олишни таъминлаш.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022-2026 йилларда Наманган вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 211-сон Қарори // <https://lex.uz/ru/docs/5984308#5984924>
3. Абулқосимов Ҳ.П., Муродхўжаева Ф.М. Мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент. 2016. №1. – Б.116-118. (08.00.00, №8).
4. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х., Муродхўжаева Ф.М. Давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудлар ривожланишини тартибга солиш йўллари. Монография. – Наманган: “Наманган”, 2016, 128 бет.
5. Муродхўжаева Ф.М. Минтақа ривожланишини таъминлашда корхона-лар экспорт салоҳиятини ошириш масалалари // Логистика ва иқтисодиёт илмий электрон журнал. 2021. №2. –Б.289-295. (ISSN 2181-2128) (ОАК Раёсатининг 2021 йил 27 февралдаги 293/6-сон қарори)
6. Қодиров А.М., Ғуломова Г.П. ва б. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография. – Т.: “Iqtisodiyot” ДУК, 2013. – 436 б.
7. И.С.Глебова, С.С.Берман, Р.Р.Садыртдинов, А.А.Воробьев, Ф.Т.Эгамбердиев, А.А.Каюмов, А.Т.Умаров, Н.Г.Муминов, Г.К. Жанназарова, А.Ю.Макушина. Социально-экономическое положение территорий: международный опыт и перспективы развития. Коллективная монография – Казань: «Рокета», 2019. 276 стр.
8. Отабоев Ш. Х. Ҳудудни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва уларни кластерлар ташкил этиш орқали амалга ошириш (Фарғона вилояти мисолида) // Иқтисод ва молия (Ўзбекистон). – 2020. – №. 4 (136).;
9. Холматов Н. Ўзбекистонда саноатлашув жараёнининг омиллари, шарт-шароитлари ва истиқболлари: монография. – Тошкент: “Илм-зиё-заковат”, 2020. – 242 б.
10. Nozim G. Muminov, Ramziddin X. Abdusatarov, Anastas A. Ambartsumyan and Diyor M. Karimov (2022) Peculiarities of Manufacturing Policy in Uzbekistan in the Conditions of Modernization of the Economy. Webology, Volume 19, Number 1, Pages: 2945-2963. DOI: 10.14704/WEB/V19I1/WEB19195. <https://www.webology.org/data-cms/articles/20220123080923amWEB19195.pdf>